

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

«09» 10 2020 yil

№ 695 -sonli

Navbahor shaharchasi

Тумандаги Якка тартибдаги тадбиркор Курбонов Ойбек Махмудович томонидан сотиб олинган Эшон шаҳарчасида жойлашган собиқ Эшон маданият уйи биносига тегишли бўлган ер майдонини бириктириш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги “2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисида”ги 251-сонли қарорига, “Ер Кодекси”нинг 6 ва 22-моддаларига асосан тумандаги Якка тартибдаги тадбиркор Курбонов Ойбек Махмудович туман хокимлигига ёзган аризасини, туман хокимлиги хузуридаги ер майдони танлаш ва ажратиш бўйича доимий ҳаракатдаги комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6 ва 25-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги Якка тартибдаги тадбиркор Курбонов Ойбек Махмудовичнинг 2020 йил 14 сентябрдаги 337/2-сонли аризаси қаноатлантирилсин, туман хокимлиги хузуридаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш бўйича доимий ҳаракатдаги комиссияси далолатномаси тасдиқлансин, Ўзбекистон Республикаси Давлат Активлари Бошқармаси Агентлиги Фарғона Вилояти Худудий Бошқармасининг 24.07.2020 йилдаги буйруғи ҳамда Мулккий ҳуқуқни тасдиқловчи 06.02.2020 йилдаги №13934-сонли давлат ордери асос сифатида қабул қилинсин.

2. Тумандаги Якка тартибдаги тадбиркор Курбонов Ойбек Махмудовичга тегишли бўлган Эшон шаҳарчасида жойлашган собиқ Эшон маданият уйи биносига тегишли бўлган 770.0 квадрат метр ер майдони доимий фойдаланишга бириктирилсин.

3. Фурқат тумани Давлат солиқ инспекцияси (Қ.Абдуллаев) зиммасига ушбу қарорга кўра ер майдони бириктирилган Якка тартибдаги тадбиркор Курбонов Ойбек Махмудовичдан амалдаги солиқ ставкаларига асосан ер ва мулк солиқлари мунтазам равишда ундириб борилиши вазифаси юклатилсин.

4. Буюртмачига: Фарғона вилояти “Давлат хизматлари агентлиги”нинг Фурқат туман Давлат хизматлари маркази орқали мазкур ер участкаси бўлган ҳуқуқларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Хамдамов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими:

 Д.Ж.Солиев.



13 октябр 2020 yil

№ 626 -sonli

Navbahor shaharchasi

Тумандаги Шойимбек шаҳарчасида яшовчи тадбиркор Юлдашева Муносибхон Адхамжон кизига "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси куриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги ""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" тўғрисида"ги 962-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган ""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида "Yosh tadbirkorlar" коворкинг марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексарини куриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Шойимбек маҳалла фуқаролар йиғини Шойимбек шаҳарчаси худудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва Фурқат туман маъмурий судининг 2020 йил 2 октябрдаги 3-1519-1901/957-сонли хал қилув қарорига ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- 1.Фурқат туман маъмурий судининг 2020 йил 2 октябрдаги 3-1519-1901/957-сонли хал қилув қарори асос сифатида қабул қилинсин,
- 2.Тумандаги Шойимбек шаҳарчасида яшовчи фуқаро Юлдашева Муносибхон Адхамжон кизининг туман ҳокимлигида рўйхатга олинган мурожаати ва туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин
- 3.Тадбиркор Юлдашева Муносибхон Адхамжон кизига Шойимбек шаҳарчаси худудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси ташкил этиб савдо маркази, аёллар ва эркаклар салони, дорихона ва ўқув маркази биноси куриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида 246,0 квадрат метр ер майдони ажратилсин.
- 4.Тадбиркор М.Юлдашевага "Ёшлар меҳнат гузари" ташкил этиб, савдо маркази, аёллар ва эркаклар салони, дорихона ва ўқув маркази биноси курилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят курилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект курилишига рұхсатнома олиш вазифаси юклатилсин.
- 5.Тадбиркор М.Юлдашева зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси ташкил этиб савдо маркази, аёллар ва эркаклар салони, дорихона ва ўқув маркази биносини бир йил муддатда куриб битказиб, фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва камида 30 та янги иш ўрни яратиш мажбуриятлари белгилансин.
- 6.Тадбиркор М.Юлдашева ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва курилиш харажатлари копланмасдан туман ҳокимлиги ҳисобига қайтаришлик белгилаб қўйилсин.
- 7.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Валиев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Солиев.



15 октябрь 2020 йил

№ 631 -sonli

Navbahor shaharchasi

Фуркат тумани Ингичка МФЙ Ингичка қишлоғида яшовчи тадбиркор Нурматов Абдурашид Аъзамжон ўғлига Мустақиллик МФЙ Навбахор шаҳарчаси худудидан “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги “Yoshlar-kelajagimiz” Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 962-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Yoshlar-kelajagimiz” Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида “Yosh tadbirkorlar” коворкинг марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Мустақиллик МФЙ Навбахор шаҳарчаси худудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Туманнинг Ингичка МФЙ Ингичка қишлоғида яшовчи тадбиркор Нурматов Абдурашид Аъзамжон ўғлига Мустақиллик МФЙ Навбахор шаҳарчаси худудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси ташкил этиб, тикувчилик цехи ва дорихона биноси қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш ҳақидаги туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2.Тадбиркор Нурматов Абдурашид Аъзамжон ўғлига туманнинг Мустақиллик МФЙ Навбахор шаҳарчаси худудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси ташкил этиб, тикувчилик цехи ва дорихона биноси қурилиши учун 60,0 квадрат метр ер майдони танлансин ва ажратилсин.

3.Тадбиркор Нурматов Абдурашид Аъзамжон ўғлига “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси ташкил этиб тикувчилик цехи ва дорихона биноси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олишлик ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда вилоят ДАКН инспекцияни объектда қурилиш монтаж ишларини бошланганлиги ҳақида хабардор этиш вазифаси юклатилсин.

4.Тадбиркор Нурматов Абдурашид Аъзамжон ўғли зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси ташкил этиб, тикувчилик цехи ва дорихона биносини бир йил муддатда қуриб битказиб, фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорда банд бўлмаган ёшларни 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

5.Тадбиркор Нурматов Абдурашид Аъзамжон ўғли ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмасдан туман ҳокимлиги ҳисобига қайтаришлик белгилаб қўйилсин.

6.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Валиев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Солиев.



19 октябр 2020 yil

№ 640 -sonli

Navbahor shaharchasi

Фуркат тумани “Гунча” маҳалла фуқаролар йиғини Шўхай қишлоғи ҳудудидан тендер ёлиби “SHARQ INVEST TA’MIR” масъулияти чекланган жамиятига янгиланган намунавий лойиҳалар асосида кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли Фармони ҳамда қишлоқ жойларда кўп қаватли уй-жойларни қурадиган тадбиркорлик субъектлари учун танлов ўтказиш комиссиясининг №1/28/2020, №1/29/2020-сонли йиғилиш баёнлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 6, 23-моддаларига асосан, шунингдек, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 25-моддаларига қўлланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг “Гунча” маҳалла фуқаролар йиғини Шўхай қишлоғи ҳудудидан тендер ёлиби “SHARQ INVEST TA’MIR” МЧЖга янгиланган намунавий лойиҳалар асосида кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуркат тумани “Гунча” маҳалла фуқаролар йиғини Шўхай қишлоғи ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги харитасининг 1225к-контурдаги қурилиш ўрнидан иборат, туман ҳокимининг 2019 йил 31 августдаги 3588-сонли қарори билан туман захирасига олинган 3,58 га ер майдонидан “SHARQ INVEST TA’MIR” масъулияти чекланган жамиятига 2021 йилда 2 донга кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун 0,10 га, атрофини ободонлаштириш учун 0,24 га жами 0,34 га ер майдони танлансин ва ажратилсин.
3. “SHARQ INVEST TA’MIR” МЧЖ раҳбари М.Эргашева зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган объект қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олишлик ва ушбу Кодекснинг 39-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда вилоят ДАКН инспекцияни объектда қурилиш монтаж ишларини бошланганлиги ҳақида хабардор этиш вазифаси юклатилсин.
4. Вилоят ҳокимлиги ва “SHARQ INVEST TA’MIR” МЧЖ ўртасида 2020 йил 11 августда тузилган № 28-ОТБ-Фер ва № 29-ОТБ-Фер сонли инвестиция битими тасдиқланганлиги инобатга олинсин ва “SHARQ INVEST TA’MIR” МЧЖ раҳбари М.Эргашева зиммасига инвестиция битими талабларига қатъий риоя қилиши белгилаб қўйилсин.
5. “SHARQ INVEST TA’MIR” МЧЖ раҳбари М.Эргашева объект қурилишини лойиҳа асосида 2021 йил май ойига қадар амалга ошириб, фойдаланишга топшириши, акс ҳолда ажратилган ер майдони қурилиш харажатлари қопланмаган ҳолда туман захира ерлар ҳисобига қайтарилиши расман маълум қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Хамдамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими :



Д.Солиев



19 октябрь 2020 yil

№ 641 -sonli

Navbahor shaharchasi

Тумандаги “Исфара Сирдарё” ИТБни Қўқонбой шаҳарчаси ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларига тегишли бўлган ер майдонини бир қисмини туман захира ерлар фондига қайтариб олиш ҳамда ушбу ер майдонини “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонасига “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси (хунармандлар маркази) қуриш учун ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги “Yoshlar-kelajagimiz” Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари” тўғрисида”ги 962-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Yoshlar-kelajagimiz” Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида “Yosh tadbirkorlar” коворкинг марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда хунармандчиликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 6, 36-моддаси 1-қисми 1-банди ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунинг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг тумандаги “Исфара Сирдарё” ИТБ бино-иншоотларига тегишли бўлган ер майдонини бир қисмини туман захира ерлар фондига қайтариб олиш ҳамда ушбу қайтариб олинган ер майдонини “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонасига “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси (хунармандлар маркази) қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин, Фуркат тумани “Исфара Сирдарё” ИТБнинг 2020 йил 23 сентябрдаги 01/01-27-сонли алоқа хати ва “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонасининг 2020 йил 10 октябрдаги 21-сонли мурожаати қаноатлантирилсин.

2. Тумандаги “Исфара Сирдарё” ИТБни Қўқонбой шаҳарчаси ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларига тегишли бўлган 0,18 га ер майдони туман захира ерлар фондига қайтарилсин ва ушбу ер майдони “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонасига “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси (хунармандлар маркази) қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилсин.

3. “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонасига раҳбари зиммасига “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига асосан вилоят қурилиш Бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва шу Кодекснинг 39, 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

4. “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонаси зиммасига “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси (хунармандлар маркази)ни 1 йил муддатда қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни камида 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.



19 октябр 2020 йил

№ 642 -sonli

Navbahor shaharchasi

Фуркат тумани Кичик-янги МФЙ Кичик-янги кишлоғида яшовчи Рўзиев Фаррухбек Махсудали ўғлига Қўқонбой МФЙ Қўқонбой шаҳарчаси ҳудудида "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги ""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 962-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида "Yosh tadbirkorlar" коворкинг марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида туман захирасидаги ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фуркат тумани Кичик-янги кишлоғида яшовчи Рўзиев Фаррухбекга Қўқонбой шаҳарчаси ҳудудида туман захирасидаги, кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қурилиши учун ер майдони ажратиш ҳақидаги туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуркат тумани Кичик-янги кишлоғида яшовчи Рўзиев Фаррухбекга Қўқонбой шаҳарчаси ҳудудида туман захирасидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси (Спорт мажмуаси ҳамда савдо ва манший хизмат кўрсатиш объектлари) қуриш учун 0,08 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилсин.
3. Тадбиркор Рўзиев Фаррухбекга "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодексининг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.
4. Тадбиркор Рўзиев Фаррухбек зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган объект қурилишини 1 йил муддатда қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида иш билан банд бўлмаган ёшларни камида 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.
5. Тадбиркор Рўзиев Фаррухбек ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.
6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Валиев ва Р.Ҳамдамовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Д.Ж.Солиев.



19 октябр 2020 yil

№ 643 -sonli

Navbahor shaharchasi

Фуркат тумани Кўк-дўппи МФЙ, Кўк-дўппи кишлоғида яшовчи фуқаро Набижонов Элбек Эргашали ўғлига Мустақиллик МФЙ Навбахор шаҳарчаси ҳудудида **“Ёшлар меҳнат гузари”** комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги **“Yoshlar-kelajagimiz”** Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги 962-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган **“Yoshlar-kelajagimiz”** Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида **“Yosh tadbirkorlar”** коворкинг марказлари ва **“Yoshlar mehnat guzari”** комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва **“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”**ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фуркат тумани Кўк-дўппи кишлоғида яшовчи Набижонов Элбек Эргашали ўғлига Мустақиллик МФЙ, Навбахор шаҳарчаси ҳудудида кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан **“Ёшлар меҳнат гузари”** комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуркат тумани Кўк-дўппи кишлоғида яшовчи Набижонов Элбек Эргашали ўғлига Мустақиллик МФЙ, Навбахор шаҳарчаси ҳудудида кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан **“Ёшлар меҳнат гузари”** комплекси (Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари) қуриш учун 60 квадрат метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилсин.
3. Тадбиркор Набижонов Элбек Эргашали ўғлига **“Ёшлар меҳнат гузари”** комплекси қуришни лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу кодекснинг 39 ва 54 - моддаларига асосан лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрлаш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.
4. Тадбиркор Набижонов Элбек Эргашали ўғли зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган объект қурилишини 1 йил муддатда қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида иш билан банд бўлмаган ёшларни камида 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.
5. Тадбиркор Набижонов Элбек Эргашали ўғлига ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.
6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Валиев ва Р.Ҳамдамовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

 Д.Солiev